
"ЧОДАКДАН ТОПИЛГАН TRACKER"

Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 18.01.2024 йилдаги ижро варақасига асосан қарздор К.К.дан ундирувчи "Kapital Bank" АТ фойдасига **204 026 183** сўм кредит қарздорлигини ундириш ва ундирувни гаров мулки ҳисобланган "TRACKER" русумли транспорт воситасига қаратиш белгиланиб, ижро хужжати Бюронинг Фурқат тумани бўлими иш юритувига келиб тушган.

Мазкур ижро иши бўйича давлат ижрочиси томонидан қарздор билан гаплашилганда гаров мулки ҳисобланган транспорт воситасини сотиб юборганлигини, ҳозирда кимни бошқарувида эканлигини билмаслигини билдиради.

Шундан сўнг давлат ижрочиси томонидан транспорт воситасига қидирув эълон қилинади. Қидирув давомида гаров мулки ҳисобланган транспорт воситаси Наманган вилояти Поп тумани Чодак қишлоғида эканлиги аниқланади.

Гаров мулки ҳисобланган ва қидирув эълон қилинган транспорт воситасини олган Чодаклик хайдовчи мазкур транспорт воситасида 3 мартаба тезликни ошириш билан боғлиқ 3 600 000 сумлик маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга ҳам улгуради.

Ижро хужжати бўйича давлат ижрочиси банк ходимлари билан ҳамкорликда транспорт воситасини жарима майдонига олиб кирилиб хатланди. Ҳозирда гаров мулки ҳисобланган "TRACKER"ни аукцион савдоларига чиқариш чораси кўрилмоқда

Фурқат тумани МИБ

2024-08-23 10:21:01